

6-1-2020

## DIGITAL ECONOMY AND FEATURES OF INTRODUCING DIGITAL TECHNOLOGIES IN THE LEASING SERVICES MARKET

Sh. Latipova

*Samarkand Institute of Economics and Service*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

---

### Recommended Citation

Latipova, Sh. (2020) "DIGITAL ECONOMY AND FEATURES OF INTRODUCING DIGITAL TECHNOLOGIES IN THE LEASING SERVICES MARKET," *International Finance and Accounting*: Vol. 2020 : Iss. 3 , Article 31. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss3/31>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

**Ш.М.Латипова**

*Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти*

## **РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ВА ЛИЗИНГ ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

Мақолада миллий иқтисодиётни рақамлаштиришнинг аҳамияти, корхоналарга молиявий ресурсларни жалб қилишда лизингдан фойдаланиш, лизинг хизматлари бозорида рақамли технологияларнинг ўрни ва лизинг хизматларига таъсир кўрсатувчи омиллар ёритилган. миллий лизинг бозорининг ҳолати таҳлил қилинган. Лизинг хизматлари бозорини рақамли технологиялар орқали ривожлантиришда “big lease data” ва “sharing economy” тушунчаларини қўллаш учун шарт-шароитлар яратилиши ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Лизинг тўғрисида”ги Қонунига ўзгартиришлар киритиш борасида тегишли таклифлар берилган.

**Таянч сўз ва иборалар:** рақамли иқтисодиёт, лизинг, рақамли технологиялар, “big lease data”, “sharing economy”, кўшимча лизинг.

## **ЦИФРОВАЯ ЭКОНОМИКА И ОСОБЕННОСТИ ВНЕДРЕНИЯ ЦИФРОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ НА РЫНКЕ ЛИЗИНГОВЫХ УСЛУГ**

В статье освещено значение цифровизации национальной экономики, применение лизинга для привлечения финансовых ресурсов для предприятия, роль цифровых технологий на рынке лизинговых услуг и факторы, влияющие на лизинговые услуги. Проведен анализ состояния национального рынка лизинговых услуг. Для развития рынка лизинговых услуг посредством цифровых технологий предложено создать условия для применения понятий “big lease data” и “sharing economy”, а также внести соответствующие изменения в Закон Республики Узбекистан «О лизинге».

**Ключевые слова:** цифровая экономика, лизинг, цифровые технологии, “big lease data”, “sharing economy”, сублизинг.

## **DIGITAL ECONOMY AND FEATURES OF INTRODUCING DIGITAL TECHNOLOGIES IN THE LEASING SERVICES MARKET**

The article highlights the importance of digitalization of the national economy, the use of leasing to attract financial resources to enterprises, the role of digital technologies in the market of leasing services and the factors affecting leasing services. The analysis of the state of the national market of leasing services. In order to develop the leasing services market through digital technologies, it was proposed to create conditions for the application of the concepts of “big lease data” and

“sharing economy”, as well as to amend the Law of the Republic of Uzbekistan “On Leasing” accordingly.

Keywords: digital economy, leasing, digital technologies, “big lease data”, “sharing economy”, subleasing.

## **Кириш**

Глобаллашув шароитида ҳар бир мамлакат миллий иқтисодиётининг шиддат билан ўсиши аввало миллий иқтисодиётни рақамлаштириш, халқаро савдо, хорижий инвестициялар ҳамда молиявий хизмат турларининг такомиллашуви каби омилларнинг таъсири натижасида содир бўлади. Иқтисодиётни рақамлаштириш бўйича Президентимиз таъкидлаганларидек, “Иқтисодиётнинг барча соҳаларини рақамли технологиялар асосида янгилашни назарда тутадиган Рақамли иқтисодиёт миллий концепциясини ишлаб чиқишимиз керак. Шу асосда “Рақамли Ўзбекистон – 2030” дастурини ҳаётга татбиқ этишимиз зарур” [1].

Ўзбекистон бугун халқаро ҳамжамиятнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланар экан, мамлакатимизни 2017-2021 йилларда ривожлантириш бўйича қабул қилинган Ҳаракатлар стратегияси асосида унинг рақобатбардошлигини ошириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида келтирилган фикрлар доирасида инновацияларни кенг жорий этиш ва бу орқали мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш талаб этилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг бу борада билдирган қуйидаги фикрлари диққатга моликдир: “Тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт. Бу бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради. Зеро, бугун дунёда барча соҳаларга ахборот технологиялари чуқур кириб бормоқда...”

Рақамли технологиялар нафақат маҳсулот ва хизматлар сифатини оширади, ортиқча харажатларни камайтиради” [2].

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5349 сонли Фармони [3], 2018 йил 3 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3832 қарори [4] ва 2020 йил 28 апрелдаги “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4699-сонли қарорининг [5] қабул қилиниши мамлакатимизда рақамлаштириш жараёнига алоҳида эътибор қаратилаётганлигини англатади.

Кўриниб турибдики, юқорида белгиланган мақсадларга эришишда рақамли иқтисодиётни шакллантириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб ҳисобланмоқда. Айниқса молия хизматларини тақдим этишда рақамли иқтисодиётдан фойдаланиш хўжалик юритувчи субъект (корхона)лар фаолиятини ҳам ривожлантиришга сабаб бўлади.

## **Мавзуга оид адабиётлар шарҳи**


Рақамли иқтисодиёт тушунчасига олимлар томонидан турлича таърифлар берилган. Жумладан бир гуруҳ олимларимиз рақамли иқтисодиётга жараёнларни таҳлил қилиш натижаларидан фойдаланиш ва катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлаш асосида турли хилдаги ишлаб чиқаришлар, технологиялар, асбоб-ускуналар, товарлар ва ҳизматларни сақлаш, сотиш ва етказиб бериш самарадорлигини жиддий равишда оширишга имкон берадиган ва рақамли кўринишдаги маълумотлар асосий ишлаб чиқариш омили деб саналган хўжалик фаолияти сифатида таъриф беришган [6].

Рақамли иқтисодиёт – бу ривожланишнинг замонавий босқичи ҳисобланиб, у ижодий меҳнат ва ахборот неъматларининг устувор ўрни билан тавсифланади. Рақамли иқтисодиёт – бу ўзига хос тушунча бўлиб, унинг ўрганиш объекти ахборотлашган жамият ҳисобланади [7].

Хорижий илмий ишларда ҳам рақамли иқтисодиётга турли таърифлар берилган. Жумладан, рақамли иқтисодиёт – бу ишлаб чиқаришнинг асосий омиллари рақамли кўринишда тақдим этилган, шунингдек, қайта ишланган ва катта ҳажмларда фойдаланилган фаолият тури тушунилиб, бунда турли хил сифатли маҳсулотлар, технологиялар, асбоб-ускуналарни кўплаб ишлаб чиқариш, уларни сақлаш, сотиш, етказиб бериш ва истеъмол қилиш самарадорлиги ошади [8].

Маълумотлар, ҳисоблаш техникаси ва алоқанинг ўзгарувчан хусусиятлари билан тавсифланадиган рақамли иқтисодиёт бугунги кунда иқтисодий ўсиш ҳамда ижтимоий ўзгаришларнинг асосий ҳаракатга келтирувчи кучи бўлиб ҳисобланади [9].

Иқтисодиётнинг бу янги тури нафақат технологик жараёнларни, балки мавжуд муаммо ва уни бартараф этишнинг таркибий тузилмасини ҳам ўз ичига олиб, унинг ўзига хос хусусиятларини қуйидаги чизма орқали акс эттириш мумкин:



**1-расм. Рақамли иқтисодиётнинг муҳим хусусиятлари [10]**

Рақамли иқтисодиётга электрон бизнес ва электрон тижорат билан боғлиқ рақамли технологияларга асосланган ва улар орқали рақамли товарлар ҳамда хизматлар ишлаб чиқарадиган ва сотадиган иқтисодий фаолият сифатида таъриф беришимиз мумкин, яъни рақамли иқтисодиёт бу рақамли технологиялар ва улар билан боғлиқ бўлган маҳсулотлар ва хизматларни яратиш, уларни тарқатиш ва фойдаланиш билан боғлиқ фаолиятдир. Рақамли иқтисодиёт орқали мамлакатда иқтисодий ўсиш таъминланади. Айнан у орқали рақобат, инвестиция ва инновациялар рағбатлантирилади. Натижада эса хизматлар сифати ошади, истеъмолчилар танлови кенгайди ва қўшимча ишчи ўринлар яратилади.

### **Таҳлил ва натижалар**

Сўнгги пайтларда бозор муносабатларининг такомиллашуви ҳамда молия тизимида кузатилаётган ўзгаришлар натижасида корхоналарда молиявий ресурсларни тақсимлаш имконияти ва рақобат шароитида фаолият юритиш, потенциал миқдорларни жалб этиш ва юқори бўлмаган молиявий натижалар билан ҳам ривожланиш, маҳсулотга белгиланган нарх сиёсатини ҳамда мавжуд дебиторлик қарзларини ҳисобга олиш, контрагентларнинг қарзларини ҳисобга олган ҳолда дебиторлик қарзларини имкон даражада камайтириш, асбоб-ускуналарни топиш ва харид қилиш бўйича етказиб берувчиларни жалб қилиш масалаларини ҳал қилиш борасида кўплаб муаммолар юзага келмоқда. Ана шундай шароитда маҳаллий корхоналар фаолияти давомида талаб этиладиган асосий воситалар ва айланма маблағларни модернизациялаш ва янгилаш, мавжуд активларни сотиш ҳамда илмий-техник тараққиёт натижаларини миқдорларга тақлиф этиш мураккаблигича қолмоқда. Шу сабабли корхоналар қўшимча молиявий ресурсларни жалб қилиш мақсадида молия-кредит институтларига мурожаат қилишиб, қарз маблағларидан фойдаланишни афзал

кўринмоқда. Аммо бу ҳар доим ҳам ўзининг ижобий натижасини бермайди. Корхоналар учун кредит ресурсларини жалб қилиш оғирлик қилган бир пайтда унинг муқобили сифатида лизинг хизматларидан фойдаланиш мумкин бўлади.

Республикамизда лизинг хизматларининг ривожланишига таъсир кўрсатувчи бир қатор омиллар мавжуд:

- корхоналар асосий фондларининг эскирганлиги ва уларни модернизациялаш лозимлиги;

- лизинг хизматининг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши;

- давлат-хусусий шериклик лойиҳаларида лизингдан фойдаланиш. Бунда давлат-хусусий шерикликнинг шаклларида бири сифатида лизингдан фойдаланилиши. Бунда шартнома билан белгиланган шартлар асосида, давлат ёки маҳаллий ҳокимиятнинг инфраструктура объектларини вақтинчалик фойдаланиш учун ва маълум бир ҳақ эвазига хусусий шерикка ўтказилади. Лизинг шартномаси бўйича лизинг олувчи ҳар доим давлат ёки маҳаллий ҳокимият мулкни сотиб олиш ҳуқуқига эга. Давлат ёки маҳаллий ҳокимият ва хусусий шерик ўртасидаги ижара муносабатларининг сақлаб қолиниши мулкни вақтинчалик ишлатиш ва муайян ҳақ эвазига ўтказиш ҳисобланади [11];

- Иқтисодиётни либераллаштириш шароитида корхоналар қарз маблағларининг юқорилиги ва кредитга лаёқатлилигининг пасайиши натижасида молиявий мустақиллик даражасининг пастлиги ва ҳ.к.


Кўриниб турибдики, лизинг хизматларини амалга ошириш жараёнини такомиллаштириш корхоналарга қўшимча моиявий ресурсларни жалб қилиш имконини беради. Аммо шуни таъкидлашимиз керакки, гарчи иқтисодиётимизда рақамли иқтисодиёт элементлари қўлланилаётган бўлсада, лизинг хизматлари бозорида ундан фойдаланиш имкониятлари етарлича шакллантирилмаган. Хорижий давлатлар молия-кредит соҳаси (лизинг компаниялари фаолияти) ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида рақамлаштириш жараёнидан кенг фойдаланилаётган [12] бугунги кунда Ўзбекистон лизинг бозори ҳақида бундай хулоса қилиб бўлмайди.

Шу ўринда миллий лизинг бозори ҳолатига тўхталиб ўтсак.

2019 йилнинг биринчи ярим йиллиги якунлари бўйича янги лизинг битимларининг ҳажми 1,189 трлн.сўмни ташкил қилди, лизинг амалиётларининг умумий портфели эса 4,351 трлн.сўмдан ошди, бироқ умумий портфелда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг умумий қиймати 967 млрд.сўмлик портфели ҳисобга олинмаган. Ўзбекистон Республикаси лизинг бозорининг таҳлили Ўзбекистон Лизинг Берувчилар Уюшмасига лизинг компаниялари ва тижорат банклари томонидан тақдим этилган расмий маълумотлар асосида тайёрланди. Ўзбекистон лизинг берувчилари рейтингини тайёрлаш жараёнида 44 та лизинг берувчи лизинг фаолияти билан фаол шуғуллангани аниқланди, уларнинг 15 таси банклар ҳисобланади [13].


2019 йилнинг 1-ярим йиллиги якунлари бўйича янги лизинг битимларининг ҳажми 2019 йилда 52,5% га ошиб 1188,9 млрд.сўмни ташкил қилган, бу ўтган йилнинг худди шу даври билан солиштирганда 409,3

млрд.сўмга кўп (2-расм). 2019 йилнинг биринчи ярим йиллигида, энг аввало, қишлоқ хўжалик сектори, қурилиш техникаси ва автотранспорт, хусусан юк автотранporti соҳалари бозор драйверлари сифатида чиқди. Ўз навбатида, бозорнинг рекорд даражадаги кичик ҳажмини кўчмас мулк сектори кўрсатган.



**2-расм. Янги лизинг битимлари ҳажмининг ўсиш динамикаси (млрд.сўмда) [13]**

2019 йилнинг биринчи ярим йиллигида тузилган лизинг битимларининг сони ошиб, 5202 та битимни ташкил қилган. 2018 йилнинг биринчи ярим йиллиги билан солиштирганда янги лизинг битимларининг сони қарийб 58,6% га кўпайган, аниқроғи 1922 та битимга кўп (3-расм).



**3-расм. Янги лизинг битимлари сонининг динамикаси [13]**

Лизинг бозори иштирокчиларининг улушига тўхталадиган бўлсак, янги лизинг битимлари ҳажмининг ўсиш тенденцияси лизинг бозори иштирокчилари орасида қуйидаги тарзда тақсимланди (1-жадвал):

## Лизинг бозори иштирокчиларининг улуши [13]

	2014	2015	2016	2017	2018	I-2019
<b>Лизинг компаниялари</b>						
мулк қиймати, млрд. сўм	592,6	668,2	630,8	963,8	1912,2	1122,5
улуш, %	71,7	78,5	64,8	62,0	72,6	94,4
<b>Банклар</b>						
мулк қиймати, млрд. сўм	233,6	183,0	342,3	589,8	722,2	66,4
улуш, %	28,3	21,5	35,2	38,0	27,4	5,6
Жами	826,2	851,2	973,1	1553,6	2634,4	1188,9

2019 йилнинг 1-ярим йиллиги якунлари бўйича лизинг берувчилар орасида лизинг бозорининг тақсимланиш тенденцияси жуда ўзгарган бўлиб, бозорнинг 94% лизинг компанияларига тегишли экани аниқланди. Тижорат банкларига тўхталадиган бўлсак, 2018 йилнинг биринчи ярим йиллиги якунлари билан солиштирганда тақдим этилган лизинг хизматларининг ҳажми кескин камайган ва уларнинг бозордаги улуши бор-йўғи 5,6% ни ташкил қилган.

Агар лизинг портфелининг тақсимланиши лизинг берувчилар бўйича кўриб чиқилса, унда унинг 80,6% лизинг компанияларининг улушига тўғри келишини кўриш мумкин. 2019 йилнинг биринчи ярим йиллиги ҳолати бўйича лизинг портфелининг суммаси 4 трлн. 35 млрд.сўмни ташкил этган. Лизинг битимларининг асосий воситалар турлари бўйича тақсимланиши лизинг берувчилар қайси лизинг объектлари билан ва қай даражада фаол ишлаши ҳақида тасаввур беради. Охирги йиллар давомида қишлоқ хўжалик техникаси ва технологик ускуналар лизинг бозорининг йирик сегментлари бўлиб келмоқда. 2019 йилнинг биринчи ярим йиллигида қишлоқ хўжалигининг улуши 39,9% ни, технологик ускуналар эса 37,4% ни ташкил қилди [13].

Шуни алоҳида таъкидлашимиз керакки, иқтисодиётимизда кўплаб ишлаб чиқарувчилар, банк соҳаси ҳамда савдо соҳаси ходимлари етакчи рақамли технологиялардан фойдаланган бир пайтда лизинг компаниялари ўзларининг тадбиркорлик фаолиятларини барча имкониятларини кенг қўлламаган ҳолда олиб боришмоқда. Буни лизинг хизматларининг мамлакат ЯИМдаги улушининг ҳаттоки 1 фоизга ҳам етмаганлиги орқали ифодалашимиз мумкин [13]. Лизинг бозорида лизингга берувчилар томонидан маълумотлар базасининг шакллантирилиши лизингга олувчилар талабларидан алоҳида амалга оширилганлигини ҳам бунга сабаб бўлган асосий омиллардан бири сифатида келтиришимиз мумкин. Лизингга олувчилар эса, ўз навбатида, лизингга берувчиларнинг имкониятлари ҳамда лизинг предметидан фойдаланиш ҳуқуқини қўлга киритиш шартлари бўйича тўлиқ тасаввурга эга бўлишмайди. Лизинг шартномаларининг катта қисми потенциал лизингга олувчилар томонидан узоқ вақт давомида уларнинг талабларини қондира оладиган ва икки томон учун манфаатли бўлган шартларни тақдим этувчи лизинг



компанияларини қидириб топиш натижасида тузилади. Миллий ҳамда халқаро даражада лизинг компаниялари тақдим этадиган хизматлар ҳақида ягона маълумотлар базасининг йўқлиги лизинг хизматининг ривожланишига тўсқинлик қилди десак муболаға бўлмайди.

Шундай экан, лизинг бозорида мавжуд муаммоларни бартараф этиш мақсадида рақамли технологиялардан фойдаланиш лозим. Бунинг учун эса энг аввало барча лизингга берувчилар ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган ва потенциал мижоз (лизингга олувчи)лар фойдалана оладиган маълумотлар базасини яратишдан бошланиши лозим. Ўзбекистон Республикаси Лизингга берувчилар уюшмаси томонидан молия бозорида фаолият юритувчи барча лизингга берувчилар ҳақидаги маълумотларни қамраб олган маълумотлар базаси яратилиши лозим.

Хорижий мамлакатлар амалиётига назар ташласак, рақамли технологияларни қўллаганда big data маълумотлар тармоғидан фойдаланилаётганлигига гувоҳ бўламиз [12]. Хорижий олимларнинг фикрича, катта маълумотлар бўшлиқда фойдасиз бўлади. Унинг потенциал аҳамияти қарор қабул қилишда фойдаланилганда намоён бўлади. Бунинг учун эса ташкилотларда катта маълумотларни тез ўзгартира оладиган самарали тизимлар бўлиши керак [14].

Big data замонавий технологиялар асосида маълумотлар базасини янгилаш имкониятига эга бўлган рақамлаштирилган тармоқ сифатида мижозлар фикрини ўрганиш асосида фаолиятни ташкил этишга хизмат қилади. Миллий лизинг бозорида шунга ўхшаш “big lease data” маълумотлар базасини яратиб, унда барча лизингга берувчилар ҳақидаги маълумотлар, лизингга бериладиган объектлар ва шартларининг барчаси тўлиқ акс эттирилиши лозим. Маҳаллий олимларимиз томонидан катта маълумотлар – инсон идрок қиладиган натижалар олиш мақсадида структураланган ва структураланмаган (жумладан, мустақил манбалардан олинган) маълумотларни қайта ишлаш учун мўлжалланган усуллар, воситалар ва ёндашувлар йиғиндиси сифатида тавсифланган [6]. Олимларнинг фикрича, катта маълумотлар технологияси бу – катта ҳажмдаги ахборот асосида қарор қабул қилиш воситасидир. У бошланғич маълумотлар катта танламаси мавжуд бўлган жойларда пайдо бўлади.

Шу ўринда айтиб ўтишимиз керакки, яратиладиган маълумотлар базасини лизингга бериладиган объектлар нуқтаи назаридан икки гуруҳга ажратиш лозим. Биринчи гуруҳда мамлакатимизда ишлаб чиқарилиб, лизингга бериладиган объектлар келтирилса, иккинчи гуруҳда эса халқаро лизинг муносабатлари акс эттирилиши лозим, яъни хорижда ишлаб чиқарилган асбоб-ускуналар ўз аксини топиши керак. Хорижда ишлаб чиқарилган асбоб-ускуналарни мамлакатимиз лизинг бозорига жалб қилишда унинг аҳамияти, ижтимоий-иқтисодий самараси, мамлакатимизда ишлаб чиқарилмаслиги (ёки ўрнини босувчи асбоб-ускуналарнинг ишлаб чиқарилмаслиги)га ҳам эътибор берилиши лозим. Мижоз электрон (онлайн) кўринишда лизинг объектини олиш учун лизинг шартномаси талабларига жавоб беришини аниқлаб олиши муҳим. Яъни мижоз ўзининг молиявий ҳолатидан келиб чиқиб, лизингга олиши

мумкин бўлган объект қийматининг максимал миқдоригача бўлган имкониятини аниқлаб олади. Бу борада Лизинг берувчилар уюшмаси мижозга турли лизинг берувчиларнинг тижорат таклифларини онлайн шаклда тақдим қилиши мижозга қулайлик яратиб бериши лозим.

Лизинг бозорини рақамли технологиялар орқали ривожлантиришнинг яна бир йўли сифатида “sharing economy” тушунчасини жорий этишга эътибор бериш керак. “Sharing economy” тушунчаси инглиз тилидан таржима қилинганда “рақамли трансформация” ёки “ўзаро (биргаликда) фойдаланиш иқтисодиёти” деган маъноларни англатади [15]. Бунда асосий эътибор маълум бир вақт давомида лизинг объектдан биргаликда фойдаланишга қаратилади. Лизинг амалиётида ушбу жараён оператив лизингнинг бир тури сифатида on-line маълумотлар базаси орқали амалга оширилади, яъни шартнома муддати тугагач, мулкчилик ҳуқуқи ўзгармайди. Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг “Лизинг тўғрисида”ги қонунининг 6-моддасида қўшимча лизинг тушунчаси келтирилган. Қўшимча лизинг асосида лизинг олувчи лизинг берувчи олдида лизинг шартномаси юзасидан жавобгар бўлиб қолгани ҳолда, лизинг шартномаси бўйича олган лизинг объектини лизинг берувчининг ёзма розилиги билан вақтинчалик эгаллик қилиш ва фойдаланиш учун учинчи шахсга қўшимча лизингга топширишга ҳақли. Бунда Қонунда келтирилган қоидалар қўшимча лизинг шартномасида қўшимча лизинг берувчига, қўшимча лизинг олувчига ва сотувчига нисбатан мувофиқ равишда лизинг берувчига, лизинг олувчига ва сотувчига бўлганидек қўлланилиши, қўшимча лизинг шартномасининг амал қилиш муддати лизинг шартномасининг амал қилиш муддатидан ортиқ бўлиши мумкин эмаслиги қайд этилган [16].

### **Хулоса ва таклифлар**

Фикримизча, “big lease data”да келтирилган маълумотлар асосида “Sharing economy”ни қўллаш учун шароит яратиш лизингга берувчиларнинг лизинг портфелини кенгайтириб, фаолияти давомида молиявий ресурслар тақчиллигининг олдини олишга хизмат қилади ҳамда лизингга олувчиларнинг транзакцион харажатлари (потенциал лизингга берувчини аниқлаш,)ни камайишига олиб келади. Бундан ташқари, лизинг объекти лизингга берувчига қайтарилганда уни сотиш учун иккиламчи лизинг бозорини ҳам шакллантириш, бунинг учун қонунга ушбу тушунчани киритиб, уни изоҳлаб ўтиш ҳам таклиф этилади.

Лизинг соҳасида рақамли технологияларни жорий этиш ушбу соҳадаги мавжуд стратегик муаммоларни баратараф этиш имкониятини яратиб беради. Хусусан, миллий лизинг компаниялари импорт, экспорт ва транзит лизинг каби кўп бўғинли тизимни яратиш орқали хизмат кўрсатиш географиясини кенгайтириш, натижада бир мамлакатдаги лизинг предмети сотувчисини бошқа мамлакатдаги истеъмолчи (лизингга олувчи) билан учраштириш, лизинг предметининг техник, эксплуатацион ҳамда иқтисодий хусусиятларини таққослаш, уни истеъмолчига етказиб беришнинг самарали маршрутини аниқлаши мумкин бўлади.

Бунга эришиш учун эса аввало юқорида келтирилган таклифлар билан бир қаторда:

- Лизингга берувчилар уюшмаси ва лизинг компаниялари даражасида замонавий компьютер базасини шакллантириш;
- Лизинг операцияси иштирокчилари учун махсус қидирув тизимини яратиш;
- Молиявий ёки қўшимча лизинг схемаси асосида фаолият юритувчи лизингга берувчилар учун махсус дастурий таъминот яратиш;
- Лизинг соҳасида рақамлаштириш жараёнининг ҳуқуқий базасини яратиш;
- Лизингга берувчи ташкилотлар учун рақамли технологиялар соҳасида махсус билимга эга бўлган кадрларни тайёрлаш жараёнларини ҳам амалга ошириш лозим.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, лизинг хизматлари бозорида рақамли технологияларни жорий этишда лизингга берувчилар нафақат миллий ишлаб чиқарувчилар ҳақида тўлиқ маълумотларга эга бўлиши, балки потенциал маҳаллий (ва ҳаттоки хорижий) потенциал лизингга олувчилар талаблари ҳақидаги маълумотларга эга бўлиши лозим. Яратиладиган маълумотлар базаси солиқ ва божхона тўловлари, объектни етказиб беришнинг логистик схемасини ҳам қамраб олиши лозим. Рақамли технологиялар асосида фаолият юритиш лизингга берувчиларнинг реклама харажатларини қисқартиради, бозорни таҳлил қилиш имкониятини оширади ҳамда потенциал лизингга олувчилар ҳақида маълумот олиш имкониятини кенгайтиради.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабрь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Парламентга Мурожаатномаси. <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5349 сонли Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3832 қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4699-сонли қарори.
6. Гулямов С.С., Аюпов Р.Ҳ., Абдуллаев О.М., Балтабаева Г.Р. Рақамли иқтисодиётда блокчейн технологиялар. - Т.: ТМИ, “Иқтисод-Молия” нашриёти, 2019, 32,36-бетлар.
7. Мустафакулов Ш. Рақамли иқтисодиёт – янги Ўзбекистон тараққиётининг янги даври. (DEUZ) “Рақамли иқтисодиёт: янги Ўзбекистонни янги технологиялар, платформалар ва бизнес моделлари орқали

ривожлантиришнинг янги босқичи”. Халқаро илмий-амалий конференция 26 февраль, Тошкент. 2020.

8. Andreeva A.N., Mizova E.M. Digital economy: new business opportunities. Journal of Economy and Business, vol.4. <https://cyberleninka.ru/article/n/digital-economy-new-business-opportunities>

9. Brynjolfsson E., Kahin B. Understanding the digital economy: data, tools, and research. The MIT Press, Cambridge, Massachusetts, and London, England. – 2002.

10. Zimmermann H. D. Understanding the digital economy: Challenges for new business models //Zimmermann, Hans-Dieter," Understanding the Digital Economy: Challengers for New Business Models"(2000). AMCIS 2000 Proceedings. Paper. – 2000. – Т. 402.

11. Элмирзаев С.Э., Шавкатов Н.Ш. Давлат-хусусий шериклик муносабатларининг илғор хориж тажрибалари ва мамлакатимизда қўллаш истиқболлари // “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 3, июнь, 2019 йил. 4-б.

12. Казанкина О.А. Перспективы развития лизинга в условиях цифровой экономики // Вестник СГСЭУ. 2019. №3 (77). С. 160-163.

13. Ўзбекистон Республикаси Лизинга берувчилар уюшмаси расмий сайти маълумотлари. [www.ula.uz](http://www.ula.uz).

14. Gandomi A., Haider M. Beyond the hype: Big data concepts, methods, and analytics //International journal of information management. – 2015. – Т. 35. – №. 2. – С. 137-144. <https://www.sciencedirect.com>

15. Адактилос А.Д., Чаус М.С., Молдован А.А. Шеринговая экономика. <https://cyberleninka.ru/article/n/sheringovaya-ekonomika>.

16. Ўзбекистон Республикасининг “Лизинг тўғрисида”ги Қонуни. 1999 йил 14 апрель, 756-І-сон.